# Ўзбекистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулоти[1]

*2026 йил январь-март ойлари учун[2]*

*I.* Ялпи ҳудудий маҳсулот
*II.* Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
*III.* Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот
*IV.* Кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ЯИМ (ЯҲМ)даги улуши
*V.* Изоҳлар
*VI.* Ҳаволалар

## I. Ялпи ҳудудий маҳсулот

Статистика дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси томонидан 2026 йил январь-март ойлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)ни дастлабки баҳолаш ишлари амалга оширилди.

**ЯИМ (ЯҲМ) ҳажми ва ўсиш суръатлари,** *январь-март*

| | 2025 йил[3] | | 2026 йил | |
|---|---|---|---|---|
| | **Ҳажми,** ***млрд сўм*** | **Ўсиш суръатлари,** ***% да*** | **Ҳажми,** ***млрд сўм*** | **Ўсиш суръатлари,** ***% да*** |
| Ўзбекистон Республикаси [4] | 372 829,9 | 106,8 | 447 935,3 | 108,7 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 10 272,0 | 104,3 | 12 495,8 | 112,9 |
| *вилоятлар*: | | | | |
| Андижон | 19 064,6 | 105,8 | 22 701,2 | 108,6 |
| Бухоро | 15 214,0 | 106,0 | 18 176,9 | 109,6 |
| Жиззах | 9 240,4 | 107,4 | 11 067,8 | 107,7 |
| Қашқадарё | 16 768,8 | 105,4 | 19 548,0 | 107,7 |
| Навоий | 39 859,2 | 110,5 | 52 553,1 | 106,1 |
| Наманган | 14 755,2 | 106,4 | 17 403,4 | 108,8 |
| Самарқанд | 22 401,2 | 106,3 | 27 568,3 | 109,6 |
| Сурхондарё | 11 295,4 | 105,0 | 13 415,5 | 109,1 |
| Сирдарё | 6 280,0 | 99,5 | 7 756,4 | 108,8 |
| Тошкент | 35 246,8 | 106,6 | 43 243,1 | 107,6 |
| Фарғона | 20 477,6 | 106,7 | 24 361,9 | 110,4 |
| Хоразм | 11 888,0 | 106,8 | 14 280,8 | 110,6 |
| Тошкент ш. | 78 727,6 | 109,9 | 94 510,1 | 113,0 |

Мавзуга доир ҳавола:
ЯИМ (ЯҲМ) ҳажми (чораклик)

[1] Маълумотлар кузатилмайдиган иқтисодиётни баҳолаш бўйича ўтказилган статистик кузатувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган.
[2] Дастлабки маълумотлар
[3] 2025 йилнинг январь-март ойлари маълумотлари қайта баҳоланган.
[4] Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда

ЯИМ (ЯҲМ) ўсиш суръатлари (чораклик)

2026 йилнинг январь-март ойларида республика бўйича ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри **21,1** % улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Навоий ва Тошкент вилоятлари **11,7** % ва **9,7** % кўрсаткичлари билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМини шакллантиришда энг кам улуш Жиззах (**2,5** %) ва Сирдарё (**1,7** %) вилоятларига тўғри келган.

**2026 йилнинг январь-мартида ЯИМни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки**




## II. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби

**2026 йилнинг январь-март ойларида**
**ЯИМ (ЯҲМ)нинг тармоқлар бўйича ҳажми,** *млрд сўм*

| | ЯИМ (ЯҲМ) | Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги | Саноат | Қурилиш | Хизматлар соҳаси | Маҳсулотларга соф солиқлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси | 447 935,3 | 36 182,4 | 124 852,4 | 26 393,0 | 240 079,0 | 20 428,5 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 12 495,8 | 1 143,4 | 2 694,3 | 1 338,7 | 6 956,1 | 363,3 |
| *вилоятлар:* | | | | | | |
| Андижон | 22 701,2 | 3 016,8 | 7 285,9 | 1 378,8 | 10 277,3 | 742,4 |
| Бухоро | 18 176,9 | 3 304,8 | 4 137,0 | 1 900,6 | 8 334,9 | 499,6 |
| Жиззах | 11 067,8 | 2 544,9 | 2 405,0 | 717,8 | 5 074,0 | 326,1 |
| Қашқадарё | 19 548,0 | 3 080,0 | 3 802,2 | 1 351,4 | 10 758,3 | 556,1 |
| Навоий | 52 553,1 | 1 916,8 | 43 792,3 | 1 298,6 | 5 071,5 | 473,9 |
| Наманган | 17 403,4 | 2 277,7 | 3 224,1 | 1 268,0 | 10 272,5 | 361,1 |
| Самарқанд | 27 568,3 | 4 535,6 | 5 187,6 | 1 523,8 | 15 799,8 | 521,5 |
| Сурхондарё | 13 415,5 | 3 014,0 | 1 277,9 | 1 337,3 | 7 567,6 | 218,7 |
| Сирдарё | 7 756,4 | 1 145,4 | 2 852,4 | 493,7 | 3 021,0 | 243,9 |
| Тошкент | 43 243,1 | 4 209,3 | 20 613,6 | 2 729,5 | 14 393,4 | 1 297,3 |
| Фарғона | 24 361,9 | 3 006,0 | 4 655,3 | 1 948,7 | 14 177,9 | 574,0 |
| Хоразм | 14 280,8 | 2 987,5 | 2 316,7 | 1 413,6 | 7 204,0 | 359,0 |
| Тошкент ш. | 94 510,1 | - | 18 103,9 | 7 161,2 | 61 541,7 | 7 703,3 |

2026 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ЯҲМ таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Жиззах (**23,7** %) ва Сурхондарё (**22,8** %) вилоятларида, саноатнинг энг юқори улуши Навоий (**84,1** %) ва Тошкент (**49,1** %) вилоятларида, қурилишнинг энг юқори улуши Қорақалпоғистон Республикаси (**11,0** %) ва Бухоро вилоятида (**10,8** %), хизматлар соҳасининг энг юқори улуши эса Тошкент шаҳри (**70,9** %) ва Наманган вилоятида (**60,3** %) кузатилди.

**2026 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби,** *жамига нисбатан % да*




**2026 йилнинг январь-март ойларида**
**ЯИМ (ЯҲМ)нинг тармоқлар бўйича ўсиш суръатлари,** *% да*

| | ЯИМ (ЯҲМ) | Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги | Саноат | Қурилиш | Хизматлар соҳаси | Маҳсулотларга соф солиқлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси | 108,7 | 105,1 | 108,0 | 115,0 | 108,8 | 108,2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 112,9 | 102,3 | 107,4 | 170,0 | 109,4 | 120,0 |
| *вилоятлар*: | | | | | | |
| Андижон | 108,6 | 105,6 | 108,4 | 113,3 | 108,7 | 111,0 |
| Бухоро | 109,6 | 106,0 | 108,2 | 122,5 | 108,7 | 114,1 |
| Жиззах | 107,7 | 104,2 | 107,8 | 118,6 | 107,7 | 110,9 |
| Қашқадарё | 107,7 | 104,8 | 107,4 | 107,7 | 108,3 | 111,8 |
| Навоий | 106,1 | 105,3 | 105,3 | 124,3 | 108,3 | 106,3 |
| Наманган | 108,8 | 104,6 | 108,8 | 116,1 | 108,7 | 113,6 |
| Самарқанд | 109,6 | 105,3 | 109,0 | 109,7 | 110,7 | 116,3 |
| Сурхондарё | 109,1 | 109,7 | 108,7 | 109,7 | 108,8 | 111,1 |
| Сирдарё | 108,8 | 107,8 | 108,9 | 114,6 | 107,9 | 112,6 |
| Тошкент | 107,6 | 102,4 | 107,8 | 106,7 | 108,7 | 110,2 |
| Фарғона | 110,4 | 104,3 | 108,0 | 125,3 | 110,5 | 113,8 |
| Хоразм | 110,6 | 105,0 | 108,1 | 127,6 | 110,4 | 117,1 |
| Тошкент ш. | 113,0 | - | 107,1 | 109,3 | 115,1 | 113,8 |

## III. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот

2026 йилнинг январь-март ойларида Навоий вилояти Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари орасида аҳоли жон бошига ЯҲМ бўйича энг юқори ҳудудга айланди. Жорий нархларда унинг ҳажми **47,2** млн сўмни ташкил этди.

Бу кўрсаткич бўйича иккинчи ўринни аҳоли жон бошига тўғри келадиган **29,7** млн сўм ЯҲМ билан Тошкент шаҳри, учинчи ўринни эса **13,7** млн сўм билан Тошкент вилояти эгаллади.

**Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ) ҳажми ва ўсиш суръатлари,** *январь-март*

| | 2025 йил | | 2026 йил | |
|---|---|---|---|---|
| | Ҳажми, *минг сўм* | Ўсиш суръатлари, *% да* | Ҳажми, *минг сўм* | Ўсиш суръатлари, *% да* |
| Ўзбекистон Республикаси | 9 910,3 | 104,7 | 11 692,5 | 106,7 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 5 054,1 | 103,0 | 6 079,2 | 111,7 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 5 498,1 | 103,8 | 6 434,9 | 106,7 |
| Бухоро | 7 314,8 | 104,4 | 8 616,3 | 108,1 |
| Жиззах | 5 996,7 | 105,3 | 7 049,1 | 105,7 |
| Қашқадарё | 4 597,1 | 103,1 | 5 248,6 | 105,4 |
| Навоий | 36 334,8 | 108,5 | 47 196,3 | 104,5 |
| Наманган | 4 701,6 | 104,2 | 5 444,2 | 106,8 |
| Самарқанд | 5 201,8 | 104,1 | 6 282,2 | 107,5 |
| Сурхондарё | 3 825,5 | 102,6 | 4 445,3 | 106,8 |
| Сирдарё | 6 733,1 | 97,7 | 8 182,8 | 107,1 |
| Тошкент | 11 315,2 | 104,7 | 13 651,7 | 105,8 |
| Фарғона | 4 930,3 | 104,6 | 5 757,6 | 108,4 |
| Хоразм | 5 838,9 | 104,9 | 6 891,9 | 108,6 |
| Тошкент ш. | 25 228,4 | 107,4 | 29 654,9 | 110,6 |

## IV. Кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ЯИМ (ЯҲМ)даги улуши

2026 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, кичик бизнеснинг республика ЯИМидаги улуши **45,6** % ни ташкил этди. Ҳудудларда кичик бизнеснинг энг катта улуши Сурхондарё (ҳудудда яратилган ялпи қўшилган қиймат умумий ҳажмининг **72,9** % ини ташкил этган), Фарғона (**71,5** %) ва Наманган (**68,0** %) вилоятларида кузатилди. Кичик бизнеснинг энг кам улуши Навоий (**12,9** %) ва Тошкент (**47,6** %) вилоятларида қайд этилди.

**2026 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ЯИМ (ЯҲМ)даги улуши**




## V. Изоҳлар

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)нинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ҳамда ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматини ўзида акс эттиради.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – ҳудуднинг ривожланишини умумлаштирувчи кўрсаткич. ЯҲМ иқтисодий моҳиятига кўра, ЯИМга тенг кўрсаткич ҳисобланади, яъни у ушбу ҳудуднинг резидентлари бўлган иқтисодий бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматини ифодалайди.

ЯҲМни ҳисоблаш республика миқёсида Ўзбекистон Республикасининг 14 та маъмурий-ҳудудий тузилмаси (Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоятлар ва Тошкент шаҳри) бўйича ишлаб чиқариш усулида амалга оширилади.

ЯҲМни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули МҲТнинг ишлаб чиқариш ҳисобларини тузиш тамойилларига асосланади ва ЯҲМни иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий нархларда ялпи қўшилган қиймат ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали баҳолашни кўзда тутади.

ЯҲМ ва унинг таркибий қисмларини ҳисоблашнинг услубий тамойиллари бутун иқтисодиёт бўйича ЯИМни ҳисоблаш тамойиллари билан бир хил. Лекин ЯИМнинг айрим таркиблари ҳудудлар кесимида шакллантирилмайди ёки ҳудудлар даражасида маълумотларнинг йўқлиги ва чекланганлиги, шунингдек, уларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари сабабли ҳудудлар бўйича тақсимланмайди. Шу сабабдан, улар Ўзбекистон Республикаси бўйича тақсимланмаган қисм сифатида ҳисоб-китобларга киритилади.

Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ) муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ (ЯҲМ) ҳажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

Аҳоли жон бошига ялпи ички (ҳудудий) маҳсулотни шакллантиришда дастлабки маълумотлар сифатида ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳамда демография ва меҳнат статистикаси маълумотларидан фойдаланилади.

## VI. Ҳаволалар

Ялпи ҳудудий маҳсулотни ҳисоблаш бўйича услубий низом
Кузатилмайдиган иқтисодиётни статистик баҳолаш бўйича услубий низом
Ялпи ҳудудий маҳсулот

Чоп этишга масъул:
*Макроиқтисодий индикаторлар
ва миллий ҳисоблар бошқармаси*

Манзил: *100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63*
Алоқалар: info@stat.uz
*Тел.: 71-203-80-00 (1060)*